O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-yil • 30-aprel • Shanba • 54 (27.389) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

**Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!**

## МАРҒИЛОН АТЛАСИГА ХОРИЖ ҲАМ ШАЙДО

Марғилон атласига нафақат ўзбек хотин-қизлари, хорижлик хонимлар ҳам шайдо бўлишмоқда... Буни қарангки, франциялик Жон Француа Коллесе рафиқаси Моника билан атлас харид қилиш учун атайлаб Марғилонга келишибди.

— Қадимий Самарқанд ва Бухорода бўлиб, халқингиз маданияти билан яқиндан танишдик, — дейди Моника хоним. — Саёҳат бизда катта таассурот қолдирди. Тарихий обидалар ва Миллий анъаналарингиз ўзига хос, бетакрор. Айниқса, ҳунармандчиликда атлас яратиш санъатига қойил қолдик.

Хорижликларни лол қолдирган марғилонлик атлас ижодкорлари жамоаларидан бири — «Ёдгорлик» фирмаси ишчи-хизматчилари изланишлари ўз самарасини бермоқда. Ўтган йили бу ерда 87 минг погон метр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 157 миллион сўм фойда кўрилди. Уларнинг асосий харидори хорижликлар бўлди. Яқинда имзоланган шартномаларга кўра, Польша ва Жанубий Кореяга ҳам Марғилон атласини экспорт қилиш режалаштирилди. Корхонада меҳнат қилаётган икки юз эллик нафар хотин-қиз олтмиш турдаги миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, юртимиз довруғига довруғ қўшмоқдалар.

✧✧✧

**Суратларда:** тўқувчи қиз Мавлуда Қосимова; франциялик Моника хоним ўзбек атласига маҳлиё.

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар**

## МАКТАБ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ БИЛАН ТАНИШУВ

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодга таълим ва тарбия бериш борасида кенг кўламли ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган узлуксиз таълим тизимининг асосий қисми — умумий ўрта таълим соҳасини замон талаблари асосида такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарори шу мақсадга қаратилган.

Халқ таълими вазирлиги 2005 йилда умумтаълим мактабларини жиҳозлаш учун мебеллар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникасининг давлат буюртмасини ишлаб чиққан ва умумтаълим мактабларини жорий йилда жиҳозлаш бўйича тендер эълон қилган эди. Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да очилган мактаб мебеллари, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва спорт анжомлари тендер-танлови кўргазмасида маҳсулотининг сифати, ташқи кўриниши, дизайни, нархи каби кўрсаткичлар бўйича мақбул топилган 47 корхона ўз жиҳоз ва ускуналари билан қатнашмоқда.

Президент Ислом Каримов 29 апрель куни ана шу кўргазмага ташриф буюрди. Унда намойиш этилаётган барча фанлар бўйича кабинет жиҳозлари, компьютер, лингофон, маънавият, расм-чизмачилик синфлари, меҳнат устахоналари, кутубхона, мажлислар зали ва ошхона мебеллари, спорт анжомлари билан танишди.

— Бундай тендеру кўргазмаларни ўтказишдан асосий мақсад мактаб ўқувчилари фойдаланадиган жиҳозларнинг сифати, қулайлиги, дизайни борасидаги талаб ва таклифларни пухта ўрганиш имконини яратишдир, — деди Юртбошимиз. — Замонавий мактаблар барпо этиш, мавжуд мактаб биноларини капитал ёки жорий таъмирлаш катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга таълим-тарбия ишларининг маъно-мазмунига эътиборни кучайтириш, мактабларни замонавий жиҳозлар, мебеллар, ўқув-лаборатория ускуналари, компьютерлар, спорт анжомлари билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз лозим.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш учун бир триллион 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Жорий йилда ана шу маблағнинг 450 миллиард сўмлик қисмини сарфлаш белгиланган. Шундан 42 миллиард сўм мактаб анжомлари учун мўлжалланган.

— Мактаб жиҳозларини танлаш ва мақбулини харид қилишда энг асосий буюртмачи ўқувчилар, ўқитувчилар ва миллий таълим фидойиларидир, — деди Ислом Каримов. — Масаланинг ҳар бир жиҳатига уларнинг кўзи билан қараб, хулоса чиқармоқ даркор. Бу борада халқимизнинг «етти ўлчаб, бир кес» деган нақлига амал қилиш айни муддаодир.

Янги қуриладиган ва таъмирдан чиқариладиган мактабларга замонавий жиҳозларни танлашда дунёнинг илғор мамлакатлари мактабларидаги тажрибадан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини Президентимиз алоҳида таъкидлади. Шундагина ёш авлод замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва бўлмаймиз ҳам деган эзгу шиоримизни том маънода ҳаётга татбиқ этиш учун зарур имкониятлар яратган бўламиз.

Давлатимиз раҳбари бу ерда ўқитувчилар, таълим соҳаси фаоллари, маҳсулотлари намойиш этилаётган фирма ва корхоналар вакиллари билан мулоқотда бўлди. Мутасадди раҳбарлар ва мутахассисларга тегишли йўл-йўриқ ва тавсиялар берди.

**Ғулом МИРЗО, ЎзА мухбири**

✧✧✧

**Суратларда:** кўргазмадан лавҳалар.

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар**



**Парламент фаолияти**

КУН ТАРТИБИДА:

## ШИРКАТЛАР МАСАЛАСИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз нутқининг асосий қисми коммунал хизматларнинг аҳволига қаратилди. Дарҳақиқат, коммунал хизматлар, айниқса, кўп қаватли уй-жойдан фойдаланиш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ишини яхшилаш бўйича жойларда қатор муаммолар кўзга ташланиб қолмоқда.

Маълумки, 1999 йили «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан кейин аввалги ЖЭКлар ўрнини янги бошқарув услубидаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари эгаллади. Шундан сўнг Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари билан улар фаолиятини ривожлантириш учун имкониятлар яратилди, ширкатлар зиммасига бир қанча вазифалар юкланди. Лекин орадан 6 йил вақт ўтган бўлишига қарамасдан дунё тажрибасида уй-жой фондидан фойдаланишнинг энг мақбул усули сифатида тан олинган ширкатлар ҳали ҳаётимизда етарли ўрин ва мавқе топа олган эмас. Масалан, битта ширкатга 20-25, баъзи жойларда 60-70 га яқин кўп қаватли уйлар тўғри келган ҳоллар мавжуд. Бундай шароитда истиқомат қилувчилар — мулкдорлар йиғилган пулнинг қаерга ва қандай мақсадларда сарфланганини назорат қила олмайди. Ёки уй-жой фондини эксплуатация қилишни билмайдиган одамлар ширкат раҳбари сифатида сайланган ҳолатлар учрайди. Улар эса йиғилган пулнинг асосий қисмини таъмирлаш ишлари қолиб, ўзларига маош сифатида ишлатгани кўпчиликка маълум.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини қонунчилик жиҳатидан таъминлаш масалалари» мавзуида ташкил этилган давра суҳбатида шу каби ҳолатлар атрофлича муҳокама этилди. Йиғилишда бу борадаги қонунчилик ишини такомиллаштириш зарурлиги айтилди. «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни тайёрлашда фойдаланиш учун бир қатор таклифлар билдирилди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги раҳбарлари, Молия ва Адлия вазирлиги масъул ходимлари, USAID/Урбан институти «Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш» лойиҳасининг раҳбарлари, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари уй-жой мулкдорлари ширкатлари ассоциацияларидан вакиллар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

«Давра суҳбати»ни қўмита раиси Изидор Кочмарик бошқарди.

**(Ўз мухбиримиз)**

МАРКАЗИЙ ОСИЁ:

## ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма йиғилишидаги маърузасида мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларига тўхталиб, Марказий Осиё минтақасини барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантириш заруратига алоҳида урғу берган эди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида 29 апрель куни бўлиб ўтган «Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг асосий омиллари» мавзуидаги илмий-амалий семинар Президентимиз томонидан қўйилган ушбу вазифани амалга ошириш йўллари муҳокамасига бағишланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуманда Марказий Осиёда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, минтақанинг халқаро муносабатлар тизимидаги тобора ўзгариб бораётган ўрни масалаларига бағишланди.

Марказий Осиё давлатларининг минтақавий хавфсизликни таъминлашда, маданий ва гуманитар алоқаларни чуқурлаштиришда ҳамда минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда давлатлараро ҳамкорликнинг мавжуд механизмларидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича чиқишлар анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Анжуман ишида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

## ЕВРОПАРЛАМЕНТДА ОРОЛ МУАММОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси ва Европарламентнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар делегацияси ҳамкорлигида Брюсселда ташкил қилинган тақдимот маросими «Орол инқирози – замонамизнинг глобал фожиаси» деб номланди. Ундан кўзланган мақсад Европа парламенти аъзолари ва кенг жамоатчилик вакиллари эътиборини Орол муаммосига кенгроқ жалб қилишдан иборат эди. Европа парламенти «Поливалент» залида унинг депутатлари, Европа ҳамжамиятлари комиссияси масъул ходимлари, Брюсселда аккредитациядан ўтган хорижий давлатлар элчилари, Европа гуманитар ва ноҳукумат ташкилотлари, илм-фан доиралари вакиллари тўпланишди.

Тадбирда сўзга чиққан Европарламентнинг Буюк Британиядан депутати Ч.Таннек бир вақтлар ўз ҳажми бўйича дунёдаги тўртинчи ёпиқ сув ҳавзаси ҳисобланган Орол денгизи сўнгги йилларда замонамизнинг йирик экологик инқирози тимсолига айланганини афсус билан қайд этди. У Европа Иттифоқи Орол денгизини барқарорлаштириш дастури донорларидан бири бўлишига қарамасдан халқаро ҳамжамият Оролбўйи муаммоларини ҳал қилишга муносиб улуш қўшиши зарурлигини қайд этди.

Европарламентнинг Литвадан депутати, Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар делегацияси раҳбари О.Юкневичиене Орол денгизи муаммоси мувофиқлаштирилган халқаро ҳаракатларни талаб қилаётгани, Оролбўйи минтақасини тиклашга ЕИ ва бошқа халқаро донорлар молиявий ва техникавий ёрдам кўрсатиши кераклигига эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатори, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ф.Абдураҳимова тақдимот маросими иштирокчиларини янги икки палатали парламентнинг экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган фаолияти ҳақида ахборот берди ва ҳамкасбларини бу борада ҳамкорлик қилишга чақирди. Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчиси В.Норов йиғилганларга Ўзбекистон ҳукумати томонидан Орол инқирози ижтимоий оқибатларини енгиллаштириш йўлида қўйилаётган амалий қадамлар ва амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Тақдимотда Орол денгизи генофондини ҳимоя қилиш жамоатчилик меҳр-мурувват жамғармаси томонидан суратга олинган ҳамда Орол инқирози экологик ва ижтимоий оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди. Шундан сўнг Қорақалпоғистоннинг «Бахши ва Жирау» ансамбли иштирокчилари фольклор ашулалар дастурини намойиш этишди. Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент фотография уйи томонидан Орол денгизи мавзуида ташкил қилинган фотокўргазма тақдимот иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Европарламентнинг Польшадан депутати Й.Пиниор «Жаҳон» агентлиги мухбирига берган интервьюда Орол инқирози нафақат Ўзбекистон муаммоси, балки бутун халқаро ҳамжамиятга тегишли эканини айтди.

Европарламентнинг Буюк Британиядан депутати С.Стивенсон Орол инқирози Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларига собиқ СССРдан мерос қолган йирик экологик фожиа эканини таъкидлар экан, Ғарбдаги кўплаб кишилар Оролнинг қуриб қолиши оқибатлари ҳақида тўла тасаввурга эга эмаслигини тан олди.

Европарламентнинг Германиядан депутати А.Лашет Орол инқирози оқибатларини бартараф этишда Европа институтларининг БМТ билан ҳамкорлигининг аҳамияти юқорилигини қайд этди.

Тақдимотда иштирок этган 150 дан ортиқ киши Европа парламентида Орол денгизини сақлаб қолиш муаммолари муҳокама қилингани фойдали бўлганини ва мазкур тадбир халқаро ҳамжамиятнинг ушбу масалага эътиборини янада кучайтиришга хизмат қилишини эътироф этишди.

**Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА, *Брюссель***

**ЎзХДП ҳаёти**

## ПАРТИЯ ИШИГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

деган ўй-фикр билан яшасаккина партияда ислоҳотлар изчиллиги таъминланади, деган хулосага келинди ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши пленумида

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар натижалари, вилоят партия ташкилотининг ўтган йилги фаолияти якунлари, партиянинг сўллик позицияси моҳияти масалалари муҳокама қилинди.

Маърузачи — ЎзХДП вилоят кенгаши биринчи котиби вазифасини бажарувчи Тойир Аҳмедов, музокараларда сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси Жиззах шаҳар бўлими раиси Маматқул Иномов, «Қуёшсевар Парда» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Парда Зиётов, ЎзХДП Мирзачўл туман кенгаши биринчи котиби Ҳаким Номозов, «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири Акром Иномов, халқ депутатлари Дўстлик туман Кенгаши депутати Саидаъзам Рустамовлар партия ташкилотлари фаолиятида жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжудлигини рўй-рост айтдилар. Хусусан, Янгиобод, Арнасой, Жиззах ва Пахтакор туман кенгашларининг қуйи партия ташкилотларига эътибори суст эканлиги алоҳида тилга олинди. Шу сабабдан бу туманлардаги бошланғич партия ташкилотларида аҳоли ўртасида партиянинг мақсад-муддаосини тарғиб қилиш, фуқароларнинг сиёсий ва меҳнат фаоллигини оширишга қаратилган ишлар даражаси пастлигича қолаётир. Халқ депутатлари Арнасой туман Кенгашига 13 та, Пахтакор туманида 11 та сайлов округи бўйича партиямиздан депутатликка номзодлар кўрсатилмагани ҳам шундан далолат эмасми? Сайловдан сўнг халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партиямиздан сайланган депутатлар гуруҳларининг ҳозирча таъсири сезилмаётгани-чи? Ахир, сайланган депутатлар бугун ўз сайловчилари олдидаги юксак масъулиятини сезиши, уларнинг ишончини оқлаши жоиз эмасми?

Пленумда партиянинг асоси бўлган бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш зарурлигига эътибор қаратилди ва шундагина партияда ислоҳотлар изчиллиги таъминланади, деган хулосага келинди. Бунинг учун биринчи навбатда ҳар бир ҲДП аъзосининг аҳоли ўртасидаги, оммавий-сиёсий ишлардаги иштироки, қуйи ташкилотлар ишини жонлантиришга, камчиликларни бартараф этишга қўшаётган улуши, партиявий интизоми масалаларига муносиб баҳо берилиши зарурлиги таъкидланди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. ЎзХДП Жиззах шаҳар кенгашининг биринчи котиби вазифасини бажариб келаётган Тойир Аҳмедов партия вилоят кенгашининг раиси, Парда Йўлдошев, Акром Иномовлар раис ўринбосарлари этиб сайландилар.

Пленум ишида Ўзбекистон ҲДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Собир Усмонов вилоят партия ташкилоти олдида турган муҳим вазифалар ҳақида гапирди.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON — TURKIYA BANKI
«O'T-BANK YeAJ»
O'zbekistondagi mahalliy va xalqaro bankingiz
Tel: 173-83-24, 25, 173-72-48. Faks: 120-63-62,
WWW.utbk.com E-mail: utbank@utbk.com
Хизматлар лицензияланган

Иқтисодиёт: далил, таҳлил ва қиёс

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РЕНТАБЕЛЛИМИ Ё ШИРКАТ?

## «АЛБАТТА, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ!» — ДЕЙДИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ ДЕҲҚОН-ФЕРМЕРЛАР УЮШМАСИ РАИСИ ФАРҲОД ТЎХТАЕВ

— Фарҳод ака, Президентимиз Ислом Каримов шу йил 28 январь куни Олий Мажлисимиз Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисидаги маърузасида иқтисодий соҳадаги олтита устувор вазифалардан бирини, аниқроғи, учинчисини: «Кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдан иборат» — деб таърифлади. Сиз буни қай тарзда изоҳлаган ва вилоят миқёсида қандай мисоллар билан исботлаган бўлардингиз?

— Юртбошимиз нутқида кейинги йиллар тажрибаси фермер хўжаликларининг ширкатларга нисбатан анча юқори рентабелли бўлиши ва зарар кўрмай фаолият юритишини яққол тасдиқлагани алоҳида таъкидланди...»

Тўғри-да, ҳозир зарарига ишлаётган, рентабеллиги паст ширкатлар озми? Биргина бизнинг вилоятимизда улар бир неча ўнлаб хўжаликларни ташкил этади.

Ўтган йили вилоятимизда фермер хўжаликлари сони 4917 тага етди. Сурункали зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли 10 та ширкат хўжалиги негизида 558 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Натижада ширкатларнинг 15227 гектар ер майдони фермерларга тақсимлаб берилди. Уларга хизмат кўрсатувчи 10 та муқобил МТП — машина трактор парки, 8 та минерал ўғит билан таъминлаш шахобчаси, 10 та ёнилғи қуйиш тармоғи, 10 та СФУ — сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 7 та минибанк, 6 та зооветеринария, 3 та ахборот-консалтинг маркази ташкил этилди.

**— Самара қандай бўлади?**

— Хусусан, пахтачиликда 2479 та фермер хўжалиги 23608 гектар майдондан давлатга 63886 тонна хомашё топшириш бўйича тузган шартномаларига кўра, 35 иш кунидаёқ 67081 тонна юқори сифатли маҳсулот топширдилар. 2111 та фермер хўжалигида ҳосилдорлик ўртача 28,4 центнерни ташкил этди. **Жами етиштирилган пахтанинг 58,6 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келди.** Қизилтепа туманидаги «Халим-Олим», «Валиобод», «Саъди бобо», Хатирчи туманидаги «Гўзал-Маржона», «Тошботир бобо», Кармана туманидаги «Р.Исмоилов», «Парда бобо», Навбаҳор туманидаги «Янгиер», «Ислом ота» каби фермер хўжаликларида шартномавий режалар 150-200 фоиз бажарилди.

Шунингдек, 2703 та фермер хўжалигида 23046 гектар майдонга кузги дон экилиб, 99070 тонна бошоқли дон тайёрланди. Ҳосилдорлик ўртача 43,1 центнерни ташкил этди. Давлатга 40998 тонна дон сотилди. Бу — 2003 йилга нисбатан 25635 тонна кўп. **Етиштирилган ҳосилнинг 53 фоизи фермер хўжаликлари улуши бўлди.** Қизилтепа туманидаги «Обиддин» фермер хўжалиги 80 центнер, «Валиобод» фермер хўжалиги — 65, Хатирчи туманидаги «Ғайбулла Тўраев» фермер хўжалиги — 63, «Боғинур Умид» — 61, Кармана туманидаги «Анвар Ахтамов» фермер хўжалиги 60 центнердан сара дон хирмони кўтардилар.

Бугина эмас, фермерларимиз 2004 йилда 11736 тонна сабзавот, 1360 тонна картошка, 3106 тонна мева, 2100 тонна узум, 4485 тонна полиз, 1039 тонна гўшт, 5244 тонна сут, 541 минг дона тухум, 76 тонна жун, 3161 дона қоракўл тери ҳам ишлаб чиқардиларки, бу кўрсаткичлар ҳам ширкатлар эришган натижалардан бир неча ўн баравар кўп бўлди.

**— Шу ўринда яна бир савол: фермерларга лизинг асосида қишлоқ хўжалик техника воситалари ажратиш ва ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар таъминоти масаласи қандай?**

— Бу борада 2003 йилга нисбатан анча ижобий ўзгаришларга эришдик. Вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» корхонасининг туман бўлимлари фермер хўжаликлари билан шартнома тузиб, уларни баҳоли-қудрат таъминлаш ҳаракатини қилдилар. Навоий «Нефтмаҳсулотлари» унитар корхонаси ҳам мавжуд агротехнология карталарига кўра дизель ёнилғиси етказиб берди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, **2004 йилда вилоят ширкат хўжаликларида белгиланғанига нисбатан 602 тонна — 72,6 млн. сўмлик дизель ёнилғиси ортиқча ишлатилган бўлса, фермер хўжаликлари 549 тонна — 66,2 млн. сўмлик ёнилғи иқтисод қилганлар.**

Лизинг асосида техника воситалари билан таъминлаш борасида «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясининг вилоят бўлими томонидан 65 та фермер хўжалигига 85 та қишлоқ хўжалик техникаси, жумладан, 4 та МХ-140, 13 та ТТЗ-80,10, 53 та ТТЗ-80,11 тракторлари, 9 та 2ПТС-4 тиркамаси, 4 та КХУ-4А сеялкаси, 2 та РМУ-0,5 мосламаси етказиб берилди...

**Агар эсласангиз, давлатимиз раҳбари яна бир гапга урғу берганлар: «Фермерларга бўлғуси ҳосил ҳисобидан имтиёзли ставкалар асосида кредитлар беришга ўтишни таъминлаш керак. Ва энг муҳими — барча томонларнинг қабул қилинган шартнома мажбуриятларини бажариши юзасидан қатъий интизом ўрнатилиши даркор».**

— Деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида давлат эҳтиёжи учун 1769 та пахта етиштирувчи фермер хўжалигига 3313,5 млн сўм, 265 та ғалла етиштирувчи фермер хўжалигига 141 млн сўм бўнак маблағлари ажратилди.

Вилоят тижорат банклари ва бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан йил давомида 1110,9 млн. сўм кредит маблағлари, шундан 863 млн. сўми банкларнинг ўз маблағи ҳисобидан, 221,3 млн. сўми «Меҳнат ва бандлик» жамғармаси маблағи ҳисобидан, 36,6 млн. сўми Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан берилди. Хўжалик раҳбарларининг иқтисодий, ҳуқуқий билимларини ошириш ва йил сайин уларни қайта тайёрлаш борасида Кармана туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ҳузурида бизнес мактаби ташкил этилди. Унда 572 нафар фермер қайта тайёрлаш курсидан ўтишди. 100 гектардан ортиқ ер майдони бўлган 64 нафар фермер хўжалиги раҳбарлари билан ўқув-амалий машғулотлари ташкил этилди. Республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ташаббуси билан «Ўзбекистонда фермерликни ривожлантириш» мавзуида ўқув-семинар уюштирилиб, унга вилоятдаги 40 та йирик фермер хўжалиги раҳбарлари жалб этилди. Америкининг «USAID» ташкилоти ҳамкорлигида ҳам вилоят ҳокимлиги, деҳқон ва фермер хўжалиги уюшмасининг вилоят вакиллиги ўтган йили 6 та туманда (180 нафар фермер хўжалиги раҳбарлари билан 2 кун давомида) иқтисодий ҳамда ҳуқуқий билимларни ошириш тадбирлари кўрилди.

Шунингдек, йил давомида 17 та фермер хўжалигига ер майдонларининг ҳолати, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ва шартномалар тузишдаги ноаниқликлар бўйича судлар томонидан амалий ёрдам берилди. Хатирчи, Навбаҳор, Нурота, Кармана, Конимех туманлари вакилликлари томонидан ердан унумли фойдаланаётган, пахта, ғалла етиштириш шартномаларини ошириб бажариб келаётган 196 та фермер хўжалигига 2766 гектар қўшимча ер майдони ажратиш бўйича маҳаллий ҳокимликларга тавсияномалар киритилди ва улар ижобий ҳал этилди. Бошқача айтганда, вилоят хўжалик судлари томонидан 2004 йилда 145 та фермер хўжаликлари фойдасига 80705 минг сўм маблағ ундириб берилди.

Ёки яна бир мисол: Монополиядан чиқариш ва рақобатни кучайтириш вилоят бошқармасига «Машина-трактор парклари»даги «Кейс» комбайнларида ғалла ўриш нархининг юқорилиги тўғрисида мурожаат билан чиқиб, ҳар гектар ғалла майдонини ўриш баҳосини 1435 сўмга камайтиришга эришдик.

Боя эслатиб ўтганимдек, 2004 йилда давлатга ғалла топшириш шартномасини сурункали бажармай келаётган 78 та фермер хўжалигининг 1812 гектар ер майдони, пахта топшириш шартномасини бажармаган 98 та фермер хўжалигининг 1359 гектар ер майдони эса белгиланган тартибда қайтариб олинди.

Айни шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб, сўнгги пайтларда фермерларга ер ажратиш ва уларни танлаш ишларини ошкора, адолатли ҳал этиш учун танлов жараёнини қатъий тендер асосида ўтказаяпмиз.

**— Узр, келтирган рақамларингизнинг аксарияти ўтган йил якунлари ҳақида бўлди. Жорий йилнинг ҳам тўрт ойи ортда қолди. Бу орада фермер хўжаликлари сони янада ортиб, кўрсаткичлар, рақамлар яна кўпайгандир. Қолаверса, кўкламги ишлар, тадбирлар...**

— Вилоятда бугунги кунда 5885 та фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Улар тасарруфида 132101 гектар ер бор. Шундан 3036 нафар фермер 29624 гектар ерда ғалла парвариш қилмоқда. Давлат режаси — 64791 тонна. Бу — худо хоҳласа, жорий йилда етиштириладиган ғалланинг 78 фоизи ҳам уларнинг ҳиссасига тўғри келади, дегани.

2464 та фермер хўжалиги эса 24643 гектар ерга чигит қадаяпти. Шартномавий келишув — 70805 тонна пахта бўлиб, вилоят ҳосилининг 64 фоизи мўлжал олинган.

Йилнинг ўтган уч ойи ичида хўжаликларга 1614 тонна дизель ёнилғиси, 11876 тонна минерал ўғитлар етказиб берилди...

Менимча, 2005 йил кўкламини навоийлик фермерлар ҳам масъулият билан бошлашди. Худо хоҳласа, бу йилги кўрсаткичлар аввалгисидан анча юқори бўлади.

**Суҳбатдошлар:**
**Абдимутал НОРБОЕВ,**
**журналист**
**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**махсус мухбири**

---

ЎзХДП янгиликлари

**Миробод туман кенгаши** 263-мактабда «Ўзбекистон ХДП мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти» мавзуида учрашув ташкил қилди. Унда иштирокчилар ёшларга партиянинг дастурий мақсадлари, юртимиз сиёсий ҳаётидаги ўрни ҳақида гапириб, саволларга жавоб бердилар.

**Мирзо Улуғбек туман кенгаши** Жисмоний тарбия институтида, **Шайхонтоҳур туман кенгаши** «Ўзбекистон» нашриёти ижодий матбаа уйида шу мавзуда учрашувлар ўтказдилар.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

**Хонқа туман кенгаши** томонидан Олажа қишлоғида жойлашган 13, 14, 32, 44, 50-сон умумтаълим мактабларида «Экология, жамият ва табиат мувозанати» мавзуида юқори синф ўқувчилари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди.

**Хонқа туманида** ўтказилган «Энг фаол китобхон» кўрик-танловига туман партия кенгаши ҳам ҳомийлик қилиб, ғолибларга совғалар топширди.

**Касби туман кенгаши** ташаббуси билан Бўри Примов номли 46-ўрта мактабда туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими ҳамкорлигида «Элни эъзозлаганни эл қадрлайди» мавзуида хотира кечаси ўтказилди. Унда Бўри Примов хотираси ёдга олинди, мактаб ўқувчилари иштирокида спорт мусобақалари, бадиий чиқишлар ташкил қилинди.

**Олтиариқ туман кенгаши** Олтиариқ музейи жамоаси билан биргаликда «Туманимиз тарихини биласизми?» мавзуида тадбир ташкил қилди. Унда шу мавзу юзасидан ёш ўқувчи рассомларнинг кўргазмаси ташкил этилди.

**Самарқанд вилоят кенгаши** Самарқанд шаҳридаги «Кушбаколи» маҳалласида «Соғлом она, соғлом бола, соғлом жамият» мавзуида тадбир ўтказди.

**Хива туман кенгаши** 1-сон умумтаълим мактабида эл суйган шоир Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган адабий кеча ташкил қилди.

---

Депутат фаолияти

# «МУАММОЛАРНИ БИРГАЛИКДА ЕЧАМИЗ»

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Латиф ҒУЛОМОВ ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Мухтор АЛИЕВлар Юнусобод туманидаги «Оқтепа», «Отчопар-1-2», «Дўстлик», «Иттифоқ», «Янгиобод», «Чоштепа» маҳаллаларида истиқомат қилувчи сайловчилар билан учрашдилар.**

Депутатлар мулоқот қатнашчиларига мамлакатимизда рўй бераётган чуқур ўзгаришлар, парламент ислоҳотининг бориши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг бугунги фаолияти ҳақида кенг ахборот бердилар.

Шундан сўнг қизғин савол-жавоблар бошланди.

**Савол:** «Оқтепа» ҳамда «Отчопар-1» маҳаллалари ўртасида жойлашган уйлардан чиқадиган оқова сувлар тўпланиб қолмоқда. Авваллари машиналар ёрдамида олиб кетилар эди. Ҳозир эса бу масала муаммога айланиб қолди. Сувни олиб кетишга сарфланаётган транспорт хизмати 65 минг сўмга тушар экан. Кўп жойларга мурожаат қилдик, фойдаси бўлмади. Ушбу муаммони ечишнинг қандай йўлларини таклиф қиласиз?

**Жавоб:** Сизларга маълумот сифатида шуни айтишим керакки, ҳозир Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида шундай қонун лойиҳалари тайёрланаяпти, улар ўйлайманки, ҳаётимизнинг жуда кўп, шу жумладан, сизларни қизиқтирган жабҳаларини қамраб олади.

Маҳаллангиздаги муаммога келсак, парламентдаги сизнинг вакилингиз сифатида ваколатларимдан фойдаланиб, қонун доирасида туман ҳокимлиги ҳамда маҳалла мутасаддилари иштирокида уни ҳал этишга ҳаракат қиламиз.

— Биласизки, Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашлари йўқ, чунки қонунда кўзда тутилмаган. Шу боис туман ҳокими ва бошқа раҳбарлар вақти-вақти билан маҳаллаларда бўлиб, одамлар билан учрашиб, қилинаётган ва режалаштирилаётган ишлар, мавжуд муаммолар тўғрисида гапириб бериши керак, — деди депутат Л.Ғуломов. — Пишиқ-пухта, мукаммал қонунларнинг яратилиши яхши. Муҳими уларни ҳаётимизга татбиқ этишдир. Биз қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқларимиздан тўлиқ фойдаланишимиз лозим.

**Учрашув иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларидан:**

— Бугун кўчаларимизга қарасангиз кўзингиз яшнайди. Замонавий автобуслар, айниқса, ўзимизнинг автомобилларни айтмайсизми. Лекин, биз уларнинг айрим таъмирталаб, юриб бўлмайдиган кўчаларда ҳаракатланиб умрини тез яшаб бўлаётганига ачинамиз. Биз йўл фондига солиқ тўлаймиз. Аммо, ҳамма йўлларимиз ҳам талабга жавоб бермайди. Шунинг учун йўл тўғрисида қонун қабул қилиш керак. Қонунда йўлларни таъмирлашни қатъиқ назорат қилиш белгиланиши керак...

(Таҳририятдан: ушбу учрашувдан икки кун ўтгач, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори чиқди.)

— Кўп қаватли уйлар бир йилда 4 ойгина иситилади. Яъни, ноябрь, декабрь, январь, февраль ойлари. Лекин биз уйни иситиш учун 12 ой давомида пул тўлаймиз. Буни қонун йўли билан тартибга солиш керак, назаримизда.

— Фахрийлар, уларнинг мақоми, имтиёзлари тўғрисида қонун қабул қилиш керак, деб ўйлайман. Уларни кексайган чоғида ардоқлашимиз, ҳурматларини жойига қўйишимиз ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришимиз керак.

Билдирилган таклифлар, мулоҳазалар баҳсга айланиб кетди. Булар барчаси халқимизнинг ҳуқуқий маданияти янада ошаётганини билдиради. Учрашувга якун ясаган Латиф Ғуломов қуйидагиларга йиғилганлар эътиборини яна бир марта қаратди:

— Биз Ўзбекистон ХДПдан кўрсатилган ва сиз сайлаган депутатлармиз. Хабарингиз бор, партиямиз ўзини мамлакатимиздаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти деб эълон қилди. Бу ХДП меҳнат аҳли ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг манфаатларини ифода этади, ҳимоя қилади дегани. Шунинг учун биз албатта сизларнинг муаммоларингиз билан шуғулланамиз, уларни ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Бу масалаларнинг кўпчилиги партиямизнинг Сайловолди Платформасида кўрсатилган. Шунинг учун улар ХДПнинг барча даражадаги депутатлари диққат марказида бўлади. Таклифларингизни қонунчилик жараёнида албатта инобатга оламиз.

Агар сиз ҳам ижроия ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарларидан қонунларга, амалдаги тартибларга риоя қилинишини қаттиқ талаб қилиб турсангиз, биргаликда барча муаммоларни ечамиз.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

---

## ПАРТИЯ ФАОЛИ ТАШАББУСИ

Нигора Маъдиева ЎзХДПнинг энг фаол аъзоларидан. Унинг ташабуси билан 2000 йилда Мирзо Улуғбек туманидаги Яссавий маҳалласида Аҳолини ижтимоий мослаштириш маркази ташкил этилган эди. Бу ерда тикувчилик, болаларни мактабга тайёрлаш курслари, «Диасон» диагностика маркази ишлаб турибди.

Яқинда бу ерда 28 ўринга мўлжалланган пансионат ишга туширилди. У даволаниш, дам олиш, овқатланиш хоналарига эга. Унда 18 нафар малакали тиббиёт ходими мижозларга хизмат кўрсатади.

Пансионатнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари, Яссавий маҳалласи аҳли, таниқли санъаткорлар иштирок этдилар. Тадбирда республика Ногиронлар жамияти ва Кўрлар жамиятига марказнинг хайрия совғалари топширилди.

Маросимда ЎзХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Собиржон Усмонов қатнашди.

**(Ўз мухбиримиз)**

---

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

Қашқадарё вилояти Миришкор туманида 86866 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Маълумки, 2002 йили туман марказий шифохонаси қошида барча қулайликларга эга бўлган шошилинч тиббий ёрдам маркази очилган эди. Бугунги кунда 15 ўринга мўлжалланган тиббий масканда беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиляпти.

— Туманимизда 14 та замонавий қишлоқ врачлик пункти мавжуд, — дейди марказий шифохона бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича муовини Музаффар Элмуродов. — Бу аҳоли орасида ҳар хил касалликларнинг олдини олишда яхши самара беряпти.

**Суратларда:** Рўзимурод Маматов бемор билан; Музаффар Элмуродов ва Шошилинч тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Салима Равшанова, шу бўлим мудири Муроджон Раҳматов.

**Абдурасул ПАРДА олган суратлар.**

---


## «ЎзДЭУАВТО» АВТОМОБИЛЛАРИ УЧУН ЯНГИ РАНГЛАР

АНДИЖОН **(ЎзА мухбири Саид Шукуров).** «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун янги ранглар яратилди. Шу муносабат билан ўтказилган тақдимот маросимида 12 турдаги бўёқ ички бозорда ишлаётган дилерлар эътиборига ҳавола этилди.

— 2005 йилнинг биринчи чорагида Россия Федерациясида сотиш ҳажми бўйича «ЎзДЭУавто» автомобиллари биринчи ўринни эгаллади ва General Motors, Hunday, KIA каби машҳур компаниялардан ўзиб кетди, — дейди «ЎзДЭУавто» муҳандислик маҳсулотлари бошқармаси менежери Раҳматжон Тошқўзиев. — Ички бозорда сотиш ҳам ортиб бормоқда. Бунга таъсир кўрсатаётган асосий омиллардан бири автомобиль кузови ранги ҳисобланади. Айнан шу боис тақдимотга 37 дилер-ташкилот вакиллари таклиф этилди. Бу ранглар уларнинг истакларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган.

Корхона ишга туширилганидан бери бу ерда 40 дан ортиқ ранг ўзлаштирилди, ҳозир улардан 12 та харидоргир бўлгани ишлатилмоқда. Агар илгари рангларни янгилаш икки йилда бир марта амалга оширилган бўлса, энди бу иш ҳар йили қилинмоқда.

Бўяш цехи иккинчи бўлими бошлиғи Бахтиёр Назаровнинг айтишича, ҳозиргача фақат оқ ранг ўзгаришсиз қолди. Оқ ранг бизнинг иссиқ иқлимимизга кўпроқ мос келади, деган фикр бор. Бироқ тадқиқотлар шуни кўрсатдики, салондаги ҳаво ҳарорати кузовнинг рангига боғлиқ эмас. Дилерларнинг фикрича, харидорлар очиқ рангларни кўпроқ яхши кўради.

Тақдимот маросимида сўровномалар тарқатилди. Тўпланган ахборот асосида энг истиқболли ранглар танлаб олинади. Тез орада бундай тақдимот Ўзбекистондан ташқарида ишлаётган дилерлар учун ҳам ўтказилади.



## «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

***харидорларни кимошди савдоларига таклиф қилади!***

Кимошди савдолари 2005 йилнинг 3,5,7,10,12,14,17,19,21,24,26,28,31 май кунлари ўтказилади.

Кимошди савдоларига якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, қуйидаги ер майдонларига мерос қолдириш ва умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қўйилган:

*Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га. бўлган 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,15,16,17,18-сонли ер майдонлари.*

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 512 000 сўм**

*Тошкент шаҳар Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0м ва Г-38,0м кўчаларида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, майдони 390 кв.м бўлган 25-сон ер участкаси.*

**Бошланғич баҳоси — 499 200 сўм**

*Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Курувчи» мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га. бўлган 4,5,8,9,10,11,12-сонли ер майдонлари*

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 1 153 600 сўм.**

*Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Курувчи» мавзесида жойлашган, сатҳи 0,02 га. бўлган 13-сон ер майдони.*

***Бошланғич баҳоси — 576 800 сўм***

*Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 гектар бўлган қуйидаги манзилларда жойлашган ер майдонлари: Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасидаги; Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасидаги; Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасидаги; Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида; Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида; Спутник-2 мавзеси, 51-уй.*

**Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 428 400 сўм**

*Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 3-мавзе, 52-уй манзилида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,018 га. бўлган 10-сон ер участкаси.*

**Бошланғич баҳоси — 257 040 сўм.**

*Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 3-мавзе, 60-уй манзилида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш мўлжалланган, майдони 0,018га. бўлган 11-сон ер участкаси.*

**Бошланғич баҳоси — 257 040 сўм.**

*Кимошди савдоларига қўйилган ер майдонларига эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун авал тўхтатилади. Кимошди савдолари соат 11.00 да бошланади.*

*Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.*

*Савдоларда қатнашиш учун объектнинг бошланғич баҳосидан 10% миқдорида завкалат пули тўланади.*

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35- ва 45-хона.**

**Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75, 144-44-73, 144-44-72.**

**Хизматлар лицензияланган**

Хотира ва қадр

# ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ МЕРОСИ

**Бутун ҳаётини ўзбек фани ривожига бағишлаган тарихимизнинг ҳақиқий билимдони, Амир Темур даври ҳақиқатларини тадқиқ этган, таъбир жоиз бўлса бир умр мозий қаъридан заҳмат билан тарихимиз зарраларини йиққан олимимиз Бўрибой АҲМЕДОВ ҳаёт бўлганларида шу кунларда 80 ёшга тўлган бўлар эдилар.**

Ҳаётлигида юрт равнақи учун ёниб яшаган одамлар номи ва хотираси ҳеч қачон унутилмайди. Атоқли ўзбек олими, академик Бўрибой Аҳмедов бутун ҳаётини Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихининг ўрганилмаган қирраларини тадқиқ этишга ва илмий истеъмолга киритишга бағишлади. У ўзи орзу қилган эркин фикр айтиш, тарихий адолатни тиклаш йўлидаги уриниш ва ниятларига фақат истиқлол туфайли эришди. Мустақил мамлакатимиз асосчиси Президентимиз Фармонига биноан Ватанимизнинг юксак мукофотларидан бири бўлган «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлди. Олимнинг ҳаёт йўлига назар ташласак, у миллий фанимиз тараққиёти йўлида чиндан ҳам буюк хизматларни амалга оширганига гувоҳ бўламиз.

Унинг таржимаи ҳоли жуда оддий. 1924 йилда қадим Андижоннинг Қорасув қишлоғида туғилди. Болалиги машаққатли йилларга тўғри келди. Эндигина қаддини тиклаган йигитни иккинчи жаҳон уруши ўз домига тортди. Уч йиллик қирғинбаротлардан омон қолган бўлғуси олим ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг шарқ факультетини тугатди. Кейинчалик аспирантурада таҳсил олди.

Ёш олимнинг «Кўчманчи ўзбеклар давлати» номли илк йирик тадқиқоти мутахассисларнинг эътирофига сазовор бўлиб, китоб ҳолида нашр этилди. Мазкур асарда ҳали кам ўрганилган бир қатор нодир қўлёзма манбалардаги муҳим маълумотлар илмий таҳлил этилиб, у орқали тарих фани янги хулосалар билан бойитилганди.

Шундан сўнг у ЎзРФА Шарқшунослик институтига ишга кирди ва қарийб қирқ йил мобайнида институт фондидаги тарихий қўлёзмаларни ўрганишга машғул бўлди. Олимнинг қалб кўрини бағишлаб кўҳна китоблар қатидан заргарона меҳнат билан топган янги маълумотлари ва улар асосида яратган ҳар бир тадқиқотининг довруғи Ватанимиз сарҳадларидан ошиб бошқа юртларда ҳам эътироф қилинарди. Унинг «Баҳр ул-асрор: таржима ва тадқиқот», «Балх тарихи», «XVI-XVIII асрлар Ўрта Осиё тарихий-географик асарлари» каби китобларини жаҳоннинг кўплаб илмий марказлари ва йирик шарқшунос олимларнинг шахсий кутубхоналарида учратиш мумкин.

Заҳматкаш олим Бўрибой Аҳмедовнинг илмий фаолияти ҳақида гап кетганда, унинг истиқлол йилларида мамлакатимиз тарихини ўрганиш борасидаги хизматлари ғоят сермазмун ва қимматли бўлганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. У халқимиз ўтмишига доир фундаментал тадқиқотлар билан бирга тарихий билимларни кенг омма орасида тарғиб қилиш соҳасида ҳам беқиёс хизматлар қилди. Мустақиллик даврида республикамизда Ватан тарихига доир оммабоп асарларга эҳтиёж беҳад ошганида олим соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даври илмий-бадиий тарзда акс эттирилган бир неча китоблар яратди. Унинг «Машҳур кишилар ҳаёти» туркумидаги «Мирзо Улуғбек» эссеси ҳамда «Амир Темур» тарихий романлари темурийлар даврига оид энг яхши асарлар сифатида баҳоланиб, китобхонлар орасида катта муваффақият қозонди.

Бўрибой Аҳмедовнинг халқаро Амир Темур жамғармасидаги фаолияти алоҳида таҳсинга сазовор. У жамғарма бошқаруви раиси сифатида Амир Темур ва темурийлар тарихи бўйича самарали изланишлар олиб борди. «Темур тузуклари»нинг ўзбек тилида илк бор китоб ҳолида нашр этилишига бош-қош бўлди. Юрт истиқлоли, эл эътибори заҳматкаш олимга кексалик йилларида ҳам кучғайрат бағишлаб, у бир неча йўналишда изланишлар олиб боришга улгурар ва юқори натижаларга эришар эди.

Собиқ шўролар даврида Ўзбекистондаги бирон-бир илм даргоҳида ўқитилмаган манбашунослик фани истиқлол даврида ўқув дастурларига киритилиши ва зарур адабиётлар билан таъминланишида устознинг ҳиссаси бисёрдир. Бу борада унинг «Ўзбекистон тарихи манбалари» китоби бир неча бор нашр этилди ва бугунги кунда ҳам тарихий манбашунослик бўйича асосий ўқув қўлланмаси ҳисобланади.

Чинакам олимнинг умри унинг илмий мероси қиммати билан ўлчанади. Бўрибой Аҳмедовнинг номи ва хотираси, бой илмий мероси халқимиз учун ғоятда қадрлидир. Бугун унинг ўз шогирдларига қолдирган билим ва тажрибалари, нодир манбаларни ўрганишда қўллаган тадқиқот усуллари, фанга садоқати ҳамда фидойилиги илм оламига кириб келаётган ёшлар учун беқиёс ибрат мактабидир.

**Ғулом КАРИМ,**
**ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими**

# «У АЖОЙИБ ИНСОН ЭДИ»

Шундай одамлар бўладики, умр бўйи эзгу ишлар билан яшайди, ҳаммага яхшилик тилайди, қўлидан келган ёрдамини ҳеч кимдан аямайди. Қалби ёруғ ниятлар, орзу умидларга тўла бундай инсонлар чеҳрасида ҳам ўзига хос файз уфуриб туради. Умар Хўжаев ана шундай кишилардан эди.

Болалигидан оғир синовларга дуч келган бу инсон Тошкентда мактаб-интернатда, сўнг ўқитувчилар тайёрлаш махсус курсида ўқиди. Тошкент вилоятининг Қурама (Оҳангарон) туманида мактабда дарс бера бошлади. Унинг хат-саводи жойидалигини кўрган «Қурама ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Тожи Хушназаров уни таҳририятга ишга таклиф этади. Шу ерда у мухбирликнинг алифбосини ўрганди. Изланувчан, ғайратли, билимга чанқоқ йигит Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига ўқишга киради. Айни пайтда республика ёшлар газетаси (ҳозирги «Туркистон»)да бўлим мудири бўлиб ишлай бошлади, кейинчалик болалар газетаси бош муҳаррирлигига тайинланди. Болалар ва ёшлар мавзуида кўплаб таҳлилий мақолалар ёзди.

Ёш журналистнинг зеҳни ўткирлиги, ғайрат-шижоати, дадиллиги ҳамкасблари ўртасида эътироф этила бошланди. Қўлидан иш келадиган одам ҳеч қачон эътибордан четда қолмайди. Уни мамлакатнинг отахон газетаси ҳозирги «Ўзбекистон овози»га ишга таклиф қилишди. Бу ерда тажрибали журналистлар ёрдамида янада жиддий мавзуларда ижод қила бошлади.

«Унутилмас кунлар ва тунлар», «Жасорат мадҳи», «Эски шаҳар қарияларининг ватанпарварлик ташаббуси» каби публицистик мақола ва репортажлари билан обрў қозонди.

Афсуски, ногаҳон бошланган уруш кўплар қатори унинг ҳаёт йўлини ҳам ўзгартириб юборди. Узоқ Шарқ чегараларида хизматни бошлади. Сўнг 4-гвардиячи Кантемиров танк корпусининг 3-бригадаси сафида жангга кирди. Украина, Польша, Чехословакия ерларини фашистлар исканжасидан озод қилишда қатнашди. Айни вақтда қаҳрамонона жанг қилаётган ўзбек жангчилари ҳақида фронт газеталарига мақолалар ёзиб турди. Айниқса, «Старшина Саидов», «Муқаддас қасос соати яқин» каби мақолалари жангчилар орасида қўлма-қўл бўлиб ўқилди.

Ғалабадан сўнг Умар Хўжаев журналистлик касбини давом эттирди. У «Қашқадарё ҳақиқати» газетасига муҳаррир этиб тайинланди. Лекин урушдан сўнг кадрлар танқислиги туфайли у ҳам раҳбарлик ишларига тортилди. Деҳқонобод, Чимбой, Пискент ва Сирдарё туманларида раҳбарлик лавозимларида ишлади. У ўз умрининг кўп қисмини Мирзачўлни ўзлаштириш ишларига сарфлади. У қаерда, қайси лавозимда ишламасин, қаламини қўлдан қўймади. Имкон даражасида ижод қилди. Унинг «Жасорат мадҳи», «Олов кечган ўғлонлар», «Кантемировчининг эсдаликлари» каби китоблари нашр этилди.

Бугун қайси даврада бўлмасин, Умар Хўжаев хотирланганда унинг ижодкор дўстлари — Зиёд Есенбоев, Аҳмад Исмоилов, Убайдулла Ёқубов, Мақсуд Қориев ҳамда шогирдлари Ҳамид Нурий, Абдукарим Набихўжаев, Самад Қодиров, Машъал Ҳакимовларнинг номи ҳам тилга олинади.

Ушбу мақола ёзилаётган пайтда матбуотимиз жонкуярларидан бири Зиёд ака Есенбоев таҳририятимизга келиб қолдилар.

— Умар Хўжаевни хотирлаб савоб иш қилибсизлар. У яхши журналист, ажойиб инсон эди, — деди Зиёд ака. — Мен у ҳақида «Қурол ва қалам» очеркимда ёзганман. Кечроқ уйга қўнғироқ қилсанг, ўша жойини ўқиб бераман.

Кечқурун Зиёд ака телефон орқали қуйидаги сатрларни ўқиб берди: «Умар узоқ сафарга чиққанида ҳам мухбирлардек қалам ва ёндафтарини қўлидан қўймасди. Кўрган-билганларини қоғозга туширарди. Ана шундай изланишлар меваси бўлган «Миср ғўзаллиги», «Тунис қирғоғида», «Ўзбекистон куни», «Генуяга саёҳат», «Қаҳрамон қабрига гулдаста», «Сицилия — Италия боғи» сарлавҳали туркум очерклари ҳануз севиб ўқилади».

Дўстларининг айтишича, Умар аканинг яна бир ибратли фазилати оиласига, фарзандларига жуда меҳрибон, талабчан эди, катта оиланинг сарбони эди. Раҳматли Қундуз ая билан тўққиз фарзандни тарбиялаб вояга етказишди.

Бугун Умар Хўжаевни дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари ҳурмат билан ёдга олишади. Зеро, у эҳтиромга муносиб инсон эди.

**Юнус ЗИЁДОВ**

## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги ОҲАНГАРОН ШАҲАР САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ 2005-2006 ўқув йили учун кундузги ва сиртқи бўлимларга ўрта мактабнинг 9-ва 11-синфларини тугатган ўқувчиларни қуйидаги йўналишлар бўйича қабул эълон қилади:**

**9-синф негизида (кундузги) ўқиш муддати — 3 йил.**

1. Саноат корхоналари ва қурилмалари электр жиҳозларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича механик;
2. Саноат машиналари ва асбоб-ускуналаридан фойдаланиш ва уларни тузатиш бўйича механик;
3. Металларга ишлов берувчи механик;
4. Нон-булка, қандолат ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича мутахассис;
5. Бухгалтер-аудитор;
6. Савдо-сотиқ ишлари бўйича мутахассис.

**11-синф негизида (сиртқи бўлимга тўлиқ шартнома асосида) ўқиш муддати — 2-3 йил.**

1. Саноат корхоналари ва қурилмалари электр жиҳозларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича механик;
2. Саноат машиналари ва асбоб-ускуналаридан фойдаланиш ва уларни тузатиш бўйича механик;
3. Бухгалтер-аудитор.

**Абитуриентлардан:**

1. Директор номига ариза;
2. 3х4 ҳажмдаги 6 дона сурат;
3. 086-у шаклидаги тиббий маълумотнома;
4. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
5. Касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази тавсияномаси;
6. Паспорт (туғилганлик тўғрисида гувоҳнома);
7. Турар жойидан маълумотнома олиб келишлари талаб этилади.

Ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

***Манзил: Оҳангарон шаҳар, Навоий кўчаси, 4-уй.***
***Тел: (8.264) 5-30-71, 5-32-52.***



**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2005 йилнинг 3,6,10,13,17,20,24,27,31 май кунлари аукцион савдоларини ўтказади**

*Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади:*

*Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Отчопар кўчаси, 60-уйда жойлашган, майдони 5 955 кв.м. бўлган «Тошқишлоқмаш» ОАЖга қарашли алюмин қуйиш цехининг бино ва иншоотлари.*

***Бошланғич нархи — 200 129 800 сўм.***

*Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 50-«А» уйда жойлашган «Тошметрострой» АЖнинг умумий майдони 2038,1 кв.м. бўлган 4 қаватли маъмурий биноси.*

***Бошланғич нархи — 115 600 000 сўм.***

*Юқоридагиларга қўшимча тарзда «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси томонидан 2005 йилнинг 31 май ва 3,7,10,14,17,21,24,28 июнь кунлари аукцион савдоларини ўтказади.*

*Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади:*

*Тошкент шаҳар, Элбек кўчаси, 61-уйда жойлашган «V.P. CHKALOV nomli TOSHKENT AVIACIYA ISHLAB CHIQARISH BIRLASHMASI» ДАЖнинг 1993 й. и/ч, д/р 10 AZ 089 бўлган. «ЗИЛ ММЗ 554М» русумли автотранспорт воситаси.*

***Бошланғич нархи — 1 870 000 сўм.***

*Сирғали тумани, Чоштепа кўчаси, 27-уйда жойлашган «4-Автобус саройи» ОАЖнинг 2001 й. и/ч, д/р 10 AR 321 бўлган «Нексия» русумли автомобили.*

***Бошланғич нархи — 3 095 626 сўм.***

*Савдоларда қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.*

*Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК «UJB»нинг ТШБ, ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.*

*Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.*

***Телефонлар: 133-02-49; 133-23-40.***

**Гувоҳнома №000815**

## Москва таклифи

Россия президенти Владимир Путин Исроил ҳукумати билан ўтказган учрашувдан кейин Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғига йўл олди. Бу ерда у Фаластин муҳторияти раҳбарияти билан учрашди.

Путин Москвада Яқин Шарқ минтақасида тинчлик ўрнатиш бўйича конференция ўтказишни таклиф қилмоқда. Бироқ бу масала Исроил ҳукумати билан учрашувлар давомида деярли тилга олингани йўқ.

Исроилликлар ва американликлар бу конференция самара беришига ишонишмаяпти. Фаластинликлар эса мазкур таклифни олқишлар билан кутиб олишди.

3 май — Япония конституцияси куни

# ҚОНУННИ ЭЪЗОЗЛАГАН МИЛЛАТ ШАРАФГА ЛОЙИҚ

Ўзбекистоннинг дунё давлатлари билан турли соҳалар бўйича ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда. Буни Ўзбекистон — Япония муносабатларида ҳам яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз Япония давлати билан таълим ва тиббиёт соҳаси бўйича кенг ҳамкорлик қилиб келмоқда. Япония инвесторлари иштирокидаги корхоналар сони ортиб боряпти.

Мутахассислар фикрига кўра, Япониянинг гуллаб-яшнашига сабаб — мамлакатда мавжуд қонунларнинг ишлаш тизими яхши йўлга қўйилганлигида экан. Фуқароларнинг қонунга итоаткорлиги масаласида ҳам японлар дунёда олдинги сафлардадир.

Давлат тарихига назар солсак, мамлакатда конституциявий ҳужжат икки марта қабул қилинганлигини кўриш мумкин: Япония империясининг Мейдзе конституцияси ҳамда 1947 йили қабул қилинган амалдаги конституция.

Мейдзе конституцияси 1890 йил 29 ноябрда қонуний кучга кирган. Унга мувофиқ император олий ҳокимият эгаси ҳисобланар эди. Унинг ҳузурида қонун чиқарувчи ҳокимият ва ижро этувчи ҳокимият ташкил этилган. Суд ваколатларини эса судлар амалга оширган. Ушбу конституциянинг тубдан ўзгаришига Японияннинг иккинчи жаҳон урушидаги мағлубияти сабаб бўлди.

1946 йили янги конституция ишлаб чиқилиб, 1947 йилнинг 3 майидан кучга киритилди. Янги конституция 11 боб ва 103 моддадан иборат. Унда халқ суверенитети тамойили аниқтиниқ ўз аксини топди, император ҳокимиятдан «маҳрум» қилинди. Бироқ у давлат ва миллат рамзи сифатида сақлаб қолинди. Эндиликда император расман Бош вазир ва Олий суднинг бош судьясини тайинлашда аралашиб, уларни тасдиқлаш билан чегаралананади, холос. Японияда янги конституцияга мувофиқ парламентар монархия сиёсати устувор қилиб белгиланди.

Бугунги кунда ҳар бир японияликлик Бош қомусини муқаддас деб билади ва фаровон ҳаётга элтган йўл сифатида эъзозлайди. Зеро, қонунни эъзозлаган миллат шон-шуҳрат ва шарафга муносибдир.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

## ОЛИМПИЯ СПОРТ ТУРЛАРИ КАМАЯДИМИ?

Ёзги Олимпия ўйинларининг 28 тури бўйича навбатдан ташқари учрашувда «Олимпиада — 2012»га тайёргарлик масаласи муҳокама қилинади. Учрашув 7 июль куни Женевада уюштирилиши кўзда тутилмоқда. Спорт турлари вакиллари овоз бериш йўли билан натижага эришиш ниятидалар. Баъзи федерацияларнинг вакиллари ончалик оммавий бўлмаган спорт турлари олимпия ўйинларига кирмай қолиши мумкинлигидан хавотирда. Халқаро Олимпия қўмитасининг президенти Жак Рогге эса олимпия дастурини янгичасига таркиб топтириш вақти етди, деган фикрда. Уч йил аввал олимпия ўйинлари дастуридан бейсбол ҳамда замонавий бешкураш турларини чиқариб ташлаш масаласи кўрилган эди. Ушанда кўпчилик овоз билан замонавий олимпия ўйинларига асос солган Пьер де Кубертон таклиф этган замонавий бешкурашни сақлаб қолишга эришилди. ХОҚ президенти олимпия ўйинлари дастурига янги спорт турларидан гольф ва регбини киритиш фойдали, деб ҳисоблайди. Нима бўланда ҳам бўлажак Олимпия ўйинларида спортнинг 28 тури бўйича 301 мусобақа ташкил этилиб, жами 10500 спортчининг иштирок этиши кўзда тутилмоқда.



## Муносабатларни яхшилаш ниятида

Венесуэла президенти Уго Чавес Куба билан алоқаларни мустаҳкамлаш ниятида Гаванада нефть ишлаб чиқарувчи PDVSA компанияси офисини очди.

Тахмин қилинишича, Уго Чавес ва Куба етакчиси Фидель Кастро Лотин Америкаси иқтисодий ва сиёсий ташкилотини тузиш ҳақида келишиб олишмоқчи. Унга АҚШ аъзо бўлмаслиги маълум қилинди.

Ташкилотнинг барпо этилиши Вашингтоннинг Америкада ягона савдо ҳудудини яратиш таклифига жавоб бўлди.

## Парламент таркиби тасдиқланди

Ироқ парламенти аъзолари Иброҳим Жаъфарий томонидан таклиф этилган Вазирлар Маҳкамаси рўйхатини тасдиқлашди. Бироқ ҳалигача бир неча вазирларнинг ўрни бўш турибди.

Айни пайтгача мудофаа, электр таъминоти ва нефть саноати вазирлари тайинланмади. Жаъфарий яқин вақт ичида бу лавозим банд қилинишини айтди.

Бироқ энг асосий тортишувлар суннийларга ажратилган мансаб курсилари устида бўлиши кутилмоқда.

## Саратон авж олмоқда

Яқиндагина Cancer Research UK ташкилоти томонидан чоп этилган ҳисоботда охирги 30 йил ичида кўкрак ва ўпка саратони касаллигига чалинганлар сони ошиб бораётгани таъкидланмоқда.

Муаллифларнинг фикрича, саратон касаллиги инсоннинг ўртача умри узайгани туфайли кўпаймоқда. Чунки саратон касаллиги кекса ёшдаги одамларда кўпроқ учрар экан. Бундан ташқари нотўғри овқатланиш ва чекиш ҳам бу касалликка олиб келиши маълум бўлди.

Японияда ошқозон саратони касаллиги деярли учрамасди. Бироқ японларнинг ғарб ошхонаси таомларига ружу қўйиши бу касаллик кўпайишига олиб келмоқда.

Саратон асосан ривожланган мамлакатларга хос касаллик бўлиб қолди. Мисол учун Африкада бу касалликдан 4 фоиз одам ҳаётдан кўз юмса, Европада саратон 19 фоиз аҳолининг ёстиғини қуритди.


## ПРАВЛЕНИЕ ОАО «НОН-НЕЪМАТ»

*сообщает о проведении общего собрания акционеров по итогам 2004 года 28.05.2005 г. в 10.00 часов по адресу: г.Ташкент, ул.Циолковского, 472.*

*Начало регистрации в 8.00.*

**ПОВЕСТКА ДНЯ:**

*1. Отчет председателя правления об итогах финансово-хозяйственной деятельности за 2004 год ОАО «Нон-неъмат». Продление договора найма Председателя правления до момента регистрации ООО «Нон-неъмат».*

*2. Утверждение заключения аудиторской проверки за 2004 год.*

*3. Об итогах преобразования ОАО «Нон-неъмат» в ООО «Нон-неъмат» с одним учредителем (об утверждении передаточного акта, о рассмотрении проекта Устава вновь создаваемого ООО, подготовка пакета документов для регистрации ООО).*

*4. Утверждение Бизнес-плана на 2005 год.*

*5. Утверждение Аудитора на 2005 год.*

*Для регистрации участников собрания необходимо обязательно предъявить документ, удостоверяющий личность (паспорт).*

**Справки по телефону: 65-95-40.**

**Наблюдательный совет ОАО «Нон-неъмат».**

**БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС**

**ОАО «Нон-неъмат» по состоянию на 1.01.2005 г.**

| АКТИВ | на 1.01. 2005 г | ПАССИВ | на 1.01. 2005 г |
|---|---|---|---|
| 1. Долгострочные активы | 31630 | 1. Источники собств. средств | 16460 |
| 2. Текущие активы | 4464 | 2. Обязательства | 19634 |
| **Баланс** | **36094** | **Баланс** | **36094** |

**Отчет о финансовых результатах**

| Показатели | Доходы | Расходы |
|---|---|---|
| 1. Выручка от реализации | 109757 | |
| 2. Себестоимость реализованной продукции | | 102147 |
| 3. Прочие операционный доходы и расходы от основной деятельности | 341 | 13946 |
| 4. Прибыль (убыток) от основной деятельности | | 10398 |
| 5. Расходы по финансовой деятельности | | 365 |
| 6. Прибыль (убыток) отчетного периода | | 10422 |

«Қариси бор уйнинг париси бор» танловига

# «ЯХШИ НИЯТ БИЛАН ЯШАГАННИНГ УМРИ УЗОҚ БЎЛАДИ»

## ДЕЙДИ 111 ЁШНИ ҚАРШИЛАГАН ХИВАЛИК ОЙША МОМО САЪДУЛЛАЕВА

**Тарихий обидалари, кўкка бўй чўзган нақшинкор миноралари билан жаҳонга машҳур Хивада ҳам нуроний отахонлар, кайвони онахонлар оз эмас. Айни пайтда туманда 100 ёшдан ошган инсонлар сони 40 нафардан зиёд. 111 ёшни қаршилаган Ойша момо Саъдуллаева шулардан бири.**

**— Ойша момо, ўтган ҳаётингиз ҳақида гапириб берсангиз. Қандай орзулар билан яшагансиз?**

— Инсон агар ўз олдига бирор мақсад қўйиб яшамаса, умри мазмунсиз ўтади. Мақсад билан яшашнинг роҳати бор. Мен 1894 йилда Хива туманининг Чинобод қишлоғида туғилганман.

Қишлоғимиз эски шаҳарга туташиб кетган эди. Барча қишлоқ болалари сингари қўй-қўзиларни ўтлатиб, сигир боқдим, ер чопдим, ниҳол кўкартирдим, этак боғлаб пахта тердим. Қисқаси, хўжаликда қандай иш бўлса ҳаммасини қилардик. У даврларда чигит экиш ҳам, ғўзага ишлов бериш ҳам қўлда бажариларди. Ҳатто ариқ қазиган кунларимиз бўлган. Далаларимиз шу ариқдан сув ичарди. Мен бу ишлардан чўчимаганман.

Ота-онам мени суқсурдек бир йигитга узатишган. У билан бахтли ҳаёт кечирдим, бир ўғил, икки қизлик бўлдик. Турмуш ўртоғимнинг умри қисқа экан...

«Одамнинг боши тошдан» деганларига шундан сўнг амин бўлдим. Айтмоқчиманки, бева аёлга оила тебратиш, етим қолган болаларни тарбиялаш осон бўлмайди. Лекин меҳри дарё одамлар ҳам кўп. Уларнинг меҳри менга қувват берди, минг шукр, шу кунларга етиб келдик. Фарзандларим бола-чақали, уй-жойли. Бугун 40 нафардан ортиқ набирам, 15 нафардан ортиқ эварам, 4 нафар чеварам бор. Энди уларга меҳр кўрсатиб, дуо қилиб яшаяпман.

Ҳаётда ҳар доим ҳам истаганинг бўлавермайди, бироқ яхши ният билан, сабр билан ҳалол меҳнат қилган киши албатта, ўз мақсадига етишади.

**— 111 йил умр кўриш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Момо, айтингчи, узоқ яшашнинг сири нимада?**

— Худога шукрим кўп. Улуғ аждодларнинг фарзандимиз. Тез-тез Паҳлавон Маҳмуд қабрини зиёрат қилиб тураман. Балки шунда ҳикмат бордир. Узоқ яшашимнинг сирини айтайми, бу тинчлик ва осойишталик, фарзандлар бахтини кўриб қувониш, ҳаётни яхши кўриш, одамларни тушуниб, яхшиликлар қилиб яшаш десам, хато бўлмайди. Шундагина инсоннинг руҳи ва виждони тоза бўлади.

Бировнинг олдида тилинг қисиқ бўлмаслиги керак. Ичингдан ўз этингни ўзинг еб турсанг, инсоннинг ҳаловати бўладими? Ўтган умрингга шукрона келтириб яқин таниш-билишлар кўзига тик боқиб, ҳалол яшашга на етсин?! Шундагина одамлар олдида юзинг ёруғ бўлади.

**— Момо, қанча-қанча хону бекларни, раҳбарларни кўргансиз. Ўша замон билан ҳозирги кунни таққослаганмисиз? Бугунги даврга муносабатингиз қандай?**

— Хоразмда сиёсатга қизиқадиган одам кўп. Бу яхши. Чунки инсон эртанги ҳаётига умид билан яшайди. Мана, шунча йил яшаб кўп нарсаларни кўрдим. Хонларни, бекларни, қозиларни, хоннинг ўлпон йиғувчи соликчиларини кўрдим. Улар ўта шафқатсиз эди. Бирда уйимизга кириб келиб, ўзи ейишга нонимиз йўқ, солиқ тўлайсан деб даг-дага қилишган. Охири уйимиздаги бор-будимизни талаб кетишганлари эсимда қолган. Шундай кунларни ёшлар кўрмасин дейман. Бугун адолатли даврда яшаяпмиз.

Раҳбардан яхши иш қолмаса, эртага уни ҳеч ким эсламайди. Президентимиз ҳар бир йилга ном бериб келаяпти. Бу жуда хайрли иш. Одамларни савобли ишларга ундаш бу.

Мана, 2005 йил — Сиҳатсаломатлик йили, деб эълон қилинди. Бундан хурсанд бўлдим. Чунки дунёда инсон саломатлигини сақлашдан ҳам хайрли иш борми?

**— Ойша момо, Сизни кўпчилик йўқлаб келаркан, безовта қилиб чарчатиб қўйишмаяптими?**

— Меҳмон келса, хурсанд бўламан, одам одамга ғанимат болам. Сизларга ҳам раҳмат. Шунча йўлдан мени излаб келибсизлар, миннатдорман. Ал-Хоразмий ширкат хўжалиги бошлиғи, туман ҳокими, ХДП Хива туман кенгашидан байрам ва тантаналарда мени йўқлаб, совғасаломлар тақдим этишади. Бу ғамхўрликларни унутиб бўладими? Умрлари меникидай узун бўлсин. Мен, аслини олганда, эгизагим Фотима билан бирга дунёга келгандим. Унинг умри қисқа экан, ёшлигида вафот этди. Умр бу — худонинг инсонга берган инъоми. Қолгани инсоннинг ўзига боғлиқ.

Хивани яхши кўраман. Бу шаҳарни ҳеч нарсага алишмайман. Чунки шу ерга киндик қоним тўкилган, шу ерга меҳнатим сингган, шу ер ғам-ҳасратларим ва қувончларимга гувоҳ. Ота-онам шу заминда эркалаб улғайтишган, Полвон ариқнинг сувини ичиб улғайдим. Балки шу туфайли умрим узундир. Бу ёғи энди яратган Эгамга аён.

**— Газетхонларга қандай тилакларингиз бор?..**

— Тилакларим кўп. Юртимиздан ҳеч қачон тинчлик ва барака аримасин. Биз кўп нарсани кўрдик, урушга ҳам гувоҳ бўлганмиз. Уруш ёмон нарса, неча-неча одамларнинг ёстиғини қуритиб кетди бу офат. Худойимнинг ўзи шундан асрасин. Биз қариялар эртанги кунларга умид билан яшаймиз. Юртдошларимни, ўғил-қизларимни, набира-чевараларимни дуо қиламан. Илоҳим, улар орқамда қолиб, хонадонимизнинг чироғини ёқиб юришсин. Яхши мақсад билан яшаганлар мингга кирсин... Яхши ният билан яшаганнинг умри узоқ бўлади.

**Суҳбатдош:**
**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Гиёҳвандлик — иллат

# «ОҚ ОҒУ»НИНГ ҚОРА ҚАЙҒУСИ

Бугун гиёҳвандлик инсоният келажагига террорчилик балосидан кам хавф солаётгани йўқ. У ёшларни ўз домига тортиб, уларни йўлдан урмоқда, оилаларни пароканда қилмоқда. Оғунинг қора қилмишлари ҳақида қанча гапирилмасин, бу йўлнинг охири жарлик эканлиги тушунтирилмасин, барибир ушбу иллатга чалиниб қолаётганлар тобора кўплаб учрамоқда. Айниқса, бу балои-офатни ўз биродарларига сотиб, бойишни мўлжаллаётганларнинг кирдикорлари кишини ташвишга солади. Одамзотни офатга, разолатга элтувчи иллатни бойиш манбаига айлантириб олган бундай кимсаларни ким деб атаса бўлади?

Қизилтепалик Холиқ Маъруров ўз томорқасига буғдой, помидор ёки бодринг эмас, оғу экди. У 6,5 грамм «марихуана»ни фуқаро С.Аллаёровга сотаётганда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Шериги Асрор Исанов билан сотишни мўлжал қилган 26,3 грамм «марихуана» гиёҳвандлик моддаси эса мусодара қилинди.

Гиёҳвандлик «бизнеси» билан хотин-қизлар ҳам шуғулланаётгани ўта ачинарли ҳолдир. Каттакўрғон шаҳрида яшовчи Н.Каримова оғуни пуллаш учун Кармана тумани марказий шифохонасидан «бозор» сифатида фойдаланди. У «маҳсулот»ини фуқаро Ф.Маҳмудовга сотаётганда қўлга олинди.

Ҳар иккала ҳолат бўйича айбдорлар суд томонидан қилмишига яраша жазо олди. Лекин кишини бошқа нарса ўйлантиради. Бизнинг ён-атрофимиздаги воқеаларга бепарволигимиз, кўриб туриб, кўз юмишимиз сабабли бундай кўнгилсиз ҳолатлар рўй бермаяптимикин? Назаримизда сергакроқ бўлсак, атрофимизга ҳушёр қарасак, маълум даражада жиноятчиликнинг олдини олишга ҳисса қўшган бўламиз. Қолаверса, меҳнат — ҳалол бойлик орттиришнинг энг мақбул йўли. Ўз ҳаётини гаровга қўйиб, қора йўллар билан бойлик орттиришга уринганлар кўра, оила бағрида, ота-она ҳузурида бир бурда ҳалол нонни хотиржам еган маъқул эмасми. Қолаверса, тадбиркорлик, фермерлик қиламан деганларга катта имкониятлар яратилганку. Ҳамма гап инсоннинг маънавиятига, имонига боғлиқ.

**Эшмирза ҚАМБАРОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Конимех туман суди раиси**


# «МАДАНИЙ МОЛЛАР» МЧЖ

**2005 йил 30 май куни соат 16.00 да, Тошкент шаҳар, Шоҳсанам кўчаси, 5-уйда бўлиб ўтадиган йиллик умумий мажлиси тўғрисида жамият аъзоларига маълум қилади.**

***Кун тартиби:***

*1. Бошқарув раисининг 2004 йил якунлари бўйича жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари, 2005 йилда ривожланиш истиқболлари тўғрисидаги ҳисоботи.*

*2. Йиллик бухгалтерия балансининг тасдиқланиши, 2004 йил давомида кўрилган зарар ва даромадлар ҳақида ҳисоботлар.*

*3. 2004 йил якуни бўйича дивиденд тўловлари ҳақидаги қарори ва дивиденд миқдорининг тасдиқланиши ҳамда даромаднинг тақсимланиши ҳақида.*

*4. Тафтиш комиссияси хулосасининг тасдиқланиши.*

*5. Мустақил аудитор хулосасининг тасдиқланиши.*

*6. 2005 йилга «Маданий моллар» МЧЖ бизнес-режасининг тасдиқланиши.*

*7. 2005 йил учун молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича жамият ташқи аудиторининг тасдиқланиши.*

*8. Ҳар хил масалалар.*

***2004 йил учун бухгалтерия балансининг асосий маълумотлари***

*(минг сўм ҳис.)*

**АКТИВ**

| | |
|---|---|
| *1. Асосий маблағларнинг қолдиқ қиймати.* | *131610* |
| *2. Тугалланмаган қурилиш.* | *118329* |
| *3. Молиявий қўйилма маблағлар.* | *6265* |
| *4. Ишлаб чиқариш заҳиралари.* | *73468* |
| *5. Пул маблағлари.* | *15003* |
| *6. Кейинги давр сарф-харажатлари.* | *3801* |
| *7. Дебиторлик қарзлари.* | *29504* |
| ***Актив бўйича жами:*** | ***377980*** |

**ПАССИВ**

| | |
|---|---|
| *1. Устав жамғармаси.* | *45333* |
| *2. Тақсимланмаган даромад.* | *27199* |
| *3. Заҳира жамғармаси.* | *278566* |
| *4. Кредиторлар.* | *26882* |
| *Пассив бўйича жами:* | *377980* |

***Мазкур баланс «ANDREY-AUDIT» АФ МЧЖ томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2001 йил 24 сентябрдаги 00215 сон АФ серияли лицензияси.***

**ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ**



# АНГРЕН ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

**ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**2005-2006 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:**

**9-синф маълумоти билан:**
*«Ҳамширалик иши»;*
*«Фармация»;*
*«Лаборатория диагностикаси».*
*Ўқиш муддати — 3 йил*

**11-синф маълумоти билан:**
*«Ҳамширалик иши»;*
*«Фармация».*
*Ўқиш муддати — 1 йилу 10 ой, шартнома асосида*

**Ангрен тиббиёт коллежига ўқишга кириш истагини билдирган ёшлардан қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:**

*1. Коллеж директори номига ариза;*
*2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
*3. 086/у-шаклидаги тиббий маълумотнома;*
*4. 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;*
*5. Оилавий аҳволи ҳақида доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;*
*6. Тавсиянома;*
*7. 9-синфни жорий йилда битирмаганлар учун 10-11 синфларида таҳсил олмаганлиги тўғрисида ўзлари ўқиган жойдан ва маҳалла қўмитасидан маълумотнома;*
*8. Паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома.*

**Ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.**

**Манзил: Ангрен шаҳар, Говорухин кўчаси, 1-уй. Тел: (8.266) 2-35-25, 3-47-71.**



ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

**«POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

**2005 йилнинг 4,11,18,25 май ва 1,8,15,22,29 июнь кунлари аукцион савдоларини ўтказади.**

*Савдоларга «Авиасозлар деҳқон бозори» ОАЖ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 9 кв.м.дан бўлган турғун савдо дўконларини қуриш ҳуқуқи қўйилади. Ҳар бир объектнинг* ***бошланғич нархи — 2 000 000 сўмдан.***

*Ҳамда аввал ўтказилган аукцион савдоларида сотилган, лекин ғолиблар томонидан белгиланган мажбуриятлар муддатида бажарилмаган турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқи мазкур эълон чиққан кундан бошлаб ҳафтанинг ҳар чоршанба кунлари қайтадан аукцион савдоларига қўйилади.*

*Юқоридагиларга қўшимча тарзда «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси*

*2005 йилнинг 1,8,15,22,29 июнь кунлари аукцион савдоларини ўтказади.*

*Савдоларга «Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ ҳудудида жойлашган майдони 9 (3х3) кв.м.дан бўлган 8-сонли ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўкони қуриш ҳуқуқи.*

***Бошланғич нархи — 2 000 000 сўм.***

*Ҳамда майдони 36 (6х6) кв.м. бўлган 63-сонли қурилиш моллари савдо дўкони қуриш ҳуқуқи.*

***Бошланғич нархи — 3 500 000 сўм.***

*Савдоларда ҳуқуқий ва Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Талабгорлар «POYTAXT AUKSION» ДУК «UJB» ТШБ ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳ/рақамига объектнинг бошланғич нархидан 5 фоиз миқдорида закалат пули тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир кун илгари соат 18.00 да тўхтатилади.*

*Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Соат 11.00 да бошланади. Телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.*

**Гувоҳнома № 000815**



**«УЧҚЎРҒОН-ЁҒ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**«Учқўрғон-ёғ» ОАЖнинг 2005 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия баланси (минг сўм)**

1. Узоқ муддатли активлар — 462337
2. Айланма активлари — 3979622
Актив бўйича жами — 4441959
3. Ўзлик маблағларининг манбалари — 1097735
Устав фонди — 100065
4. Мажбуриятлар — 3344224
Пассив бўйича жами — 4441959

**«Учқўрғон-ёғ» ОАЖнинг 2004 йил бўйича молиявий натижалар (минг сўм)**

1. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум — 4580233
2. Асосий ишлаб чиқариш фаолияти натижаси (фойда ёки зарар) — 40290
3. Умумий хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) —
4. Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) — 8262

**«Учқўрғон-ёғ» ОАЖ Кузатув кенгаши**



*ОАО «ЛИКАМ» сообщает, что согласно договора купли-продажи №005/04/05 от 13.04.2005г., земельный кадастр № 1959569628 от 01.06.04г. и кадастр здания №5-175/2004, принадлежащие ранее ОАО «Санкуртаъмирлаш» утратили силу.*

*Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан Ногтев Владимир Генадьевич номига 1993 йил 1 февралда №06-01/7547 рақамли уй-жойга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги сабабли*

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


«Мулоқот» журнали жамоаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Бош маслаҳатчиси Собир Қурбоновга онаси **МУҲАББАТ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Мулоқот» журнали жамоаси Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг масъул ходими Норбобо Шакаровга отаси **ШАКАР бобо**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-44-55
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
**Andijonda —** 25-32-70
**Buxoroda —** 222-10-92
**Gulistonda —** 25-03-80
**Jizzaxda —** 5-49-85
**Navoiyda —** 223-83-73
**Namanganda —** 6-43-43
**Nukusda —** 222-70-15
**Samarqandda —** 35-20-54
**Urganchda —** 226-51-35
**Farg`onada —** 26-43-62
**Termizda —** 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
**700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.**

**Navbatchi:**
**Alisher RO`ZIYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

**Sahifalovchi-dasturchi:**
**Ikromjon ISMOILOV**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:**
***Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.***

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*

**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.**
***Hajmi 2 bosma taboq.***

**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**

Г — 354

9389 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O`zA yakuni — 24.30.
Topshirish vaqti — 24.30
1 2 3 4 5

**Sotuvda erkin narxda**